Ҳаққсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
7 январь
ШАНБА
№ 2
(12.430)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



# ҲУНАРИ БОРНИНГ НОНИ БУТУН

**Обиджон ота ҳаёт бўлганларида, фарзандларию, невара-эваралари ҳам ота касбини давом эттираётганларини кўриб беҳад қувонган бўлар эдилар.**

– Дурадгорлик, тунукасозликни бувам ўргатганлар, – дейди хусусий тадбиркор Акмал Обидов. – Аниқ эсимда, мактабда ўқиб юрган кезларим. Уларнинг устахоналарига тез-тез борардим. Ҳар бир нарсани ўзгача меҳр, қунт билан ясашларини узоқ кузатардим. Шундан бўлса керак, бу касбга меҳрим тушиб, бувамнинг ишларини давом эттиришга қарор қилдим.

Ўн беш ёшида соҳа сирларини мукаммал ўрганган Акмал бугун моҳир ҳунарманд. Айтиш жоизки, Обидовлар сулоласи узоқ йиллардан бери ҳунармандчилик билан шуғулланиб, эл назарига тушишга улгурган. Бугун Қибрай тумани аҳолиси рўзғорда ишлатаётган зарур буюмларнинг аксариятини айнан шу уста ҳунармандлар ясашган.

– "Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар" деган мақол бежиз айтилмаган. Шуни теран англаб дурадгорлик ва темирчиликни касб қилаётган ёшлардан мамнунман, – гапида давом этди Акмал Обидов. – Негаки, ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Фарзандларимнинг ҳунармандчиликка бўлган қизиқишларини кўриб, ичичимдан суюнаман.

Демак, йиллар давомида аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган ҳунар ҳали узоқ яшайди. Ёғоч тахталардан бежирим буюмларни ясаб, ҳунармандчилик орқали рўзғор тебратаётган бу оилага ҳавас қилса арзийди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Акмал Обидов ўғли Файзулло билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ**

# БАРҚАРОР ЎСИШ ОМИЛИ

**Мамлакатимизда иқтисодиётни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзлаб, катта имтиёз ва енгилликлар бериляпти. 2010 йили кичик бизнес ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди. Лекин айни шу соҳадаги тушумлар вилоятимизда бир йил олдингидан 7,7 миллиард сўмга кўпайиб, 38,3 миллиард сўмга етди. Ёки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳам камайтирилганига қарамай, бюджетга умумий тушум 22,8 фоиз кўпайиб, 91 миллиард сўмга етди.**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги XVIII сессиясида вилоятнинг 2010 йилги маҳаллий бюджети параметрларининг бажарилиши ҳамда 2012 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджетнинг асосий параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида бундай ижобий силжишларга доир кўплаб мисоллар айтиб ўтилди.

Сессияда вилоят ҳокими ўринбосарлари, бошқарма, ташкилот ва идоралар, сиёсий партиялар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, молия ва матбуот ходимлари иштирок этишди.

Сессияга вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси Рустам Холматов раислик қилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаевнинг "2010 йилги маҳаллий бюджет ижроси, 2011 йил натижалари ва 2012 йилги вилоят маҳаллий бюджетининг лойиҳаси тўғрисида"ги маърузаси ва Халқ депутатлари вилоят кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Анвар Бўриевнинг қўшимча маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида иқтисодиётга ва аҳоли даромадларига солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, 2011 йили микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси яна бир фоиз камайтирилди. Шунга қарамай, маҳаллий бюджетга шу турдаги солиқдан 2011 йилги тушум 26 фоизга ўсиб, 48,2 миллиард сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бошқача айтганда, кичик бизнес корхоналари ихтиёрида қўшимча 8 миллиард сўм маблағ қолдирилди. Бошқа имтиёз ва эркинликлар тадбиркорлик ҳаракатига янада кенг кўлам бағишлаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қилаяпти.

Сессияда таъкидландики, 2011 йил якунлари бўйича вилоят маҳаллий бюджетининг 86,1 фоизи, ёки 666,3 миллиард сўм ижтимоий соҳа ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига сарфланди. Чунончи, маориф ишларига 2010 йилга нисбатан 24,2 фоиз ортиқ – 326,8 миллиард сўм сарфланди. Соғлиқни сақлашга 181 миллиард сўм йўналтирилди. Бу бир йилда 39,7 миллиард сўм кўпайди деган сўз.

Сессия 2012 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджет лойиҳасини ҳар жиҳатдан кўриб чиқди. Амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар бажарилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий ялпи маҳсулотдаги салмоғи 57,2 фоизга етиши, аҳолининг реал даромадлари қўшимча қарийб 9,9 миллиард сўмга кўпайиши кутилмоқда.

Сессия 2010 йилги вилоят маҳаллий бюджетининг ижросини ва унинг 2012 йилги параметрларини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

**ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА**

# МАЪМУРЧИЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

## Мустаҳкам оила йилида қишлоқ хонадонларининг томорқаларида 1 миллион 206 минг тонна картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш режалаштирилмоқда

Ҳар бир қарич ер – бебаҳо бойлик. Ундан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, маъмурчилик ва турмуш фаровонлигини таъминлашнинг асосидир. Шуларни ҳисобга олиб, 2011 йилнинг ноябрь ойида вилоят ҳокимлигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари қизғин муҳокама қилиниб, кенг кўламли чора-тадбирларни қамраб олган қарор қабул қилинган эди. "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева билан шу борадаги саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижалари ва бу йилги вазифалар хусусида суҳбатлашди.

– Вилоятимиз ва туманларнинг фаоллари, тегишли бошқармалар, ҳокимликлар, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят ва туман кенгашлари, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўтган қисқа муддатда аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланишни тарғибот-ташвиқот қилиш ва амалга оширилган ишлар мониторингини ўтказиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни изчил бажарди, – деди Сайёра Мавлоновна. – Бугунги кунда вилоятимиз қишлоқларидаги 410 минг 447 хонадонда яшовчи аҳоли 42 минг 97 гектарга яқин томорқа ер майдонига эга. Дастлабки ўрганишлар чоғида аниқландики, унинг 6996,5 гектарида картошка, 25 минг 800,9 гектарида сабзавот, 3065 гектарида полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Томорқа ерларининг 7122 гектари мевали боғ ва 5237,9 гектари токзор.

Маълумки, халқимиз табиатан миришкор, томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш борасида муайян тажрибага эга. Буни тасаввур этиш учун 2011 йили томорқаларда 1 миллион 114,2 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилганини айтиш кифоя.

Лекин эътиборсизлик туфайли томорқаларини қаровсиз қолдираётганлар ҳам йўқ эмас. Баъзилар томорқа ерларини йиллаб ҳеч қандай экин экмай, ташлаб қўйишади. Шуни ҳисобга олиб, қишлоқларда томорқалардан фойдаланишнинг аҳволини ўрганиш мақсадида мониторинг гуруҳлари ташкил этилди.

**– Сайёра Мавлоновна, томорқа ерларидан фойдаланишнинг 2012 йилга мўлжалланган режалари ҳақида ҳозирданоқ жиддий ўйланаётган бўлинса керак?**

– Албатта, Мустаҳкам оила йилида томорқа ерларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди. Бу йил томорқаларда 722,5 минг тонна сабзавот, 69,1 минг тонна полиз маҳсулотлари, 169,4 минг тонна картошка, 82 минг тонна мева, 62,9 минг тонна узум етиштирилиши режалаштирилди. Бунинг учун 52 миллиард 305,2 минг сўм моддий ва молиявий ресурслар сарфланиши ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Чунончи, бу мавсумда аҳолининг томорқа хўжаликлари учун 198 тонна сабзавот, 20 тонна полиз экинлари, 291,1 тонна картошка уруғликлари талаб қилинади. Жумладан, томорқа ерларига экиладиган экинлар ва боғларни озиқлантириш учун 21,2 минг тонна соф ҳолдаги минерал ўғитларга эҳтиёж бор.

**– Режалар, шубҳасиз, ниҳоятда катта. Уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган амалий ишлар қандай бормоқда?**

– Шу аёзли қиш кунларида ҳам белгиланган режаларни бажариш қизғин давом этмоқда. Аввало, ҳозиргача қишлоқ аҳолиси ўз томорқа ерларига умумий ҳисобда 1355 гектар пиёз, 703 гектар сабзи, 73 гектар ош лавлаги, 220 гектар қулупнай, 215 гектар саримсоқ пиёз, 1056 гектар кўкатлар экиб қўйганлигини таъкидламоқчиман.

(Давоми 2-бетда).

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг "Нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.**

# ОАВ РИВОЖЛАНИШ ПАЛЛАСИДА

Мустақиллик йилларида нодавлат оммавий ахборот воситалари секторини ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ахборот соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар нодавлат оммавий ахборот воситалари тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида уларнинг сони охирги ўн йил давомида икки баробар ўсди.

Йиғилиш иштирокчилари нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш масалаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Тадбирда "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция"сида назарда тутилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Эшитув якунлари бўйича ахборот соҳасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, нодавлат оммавий ахборот воситалари самарали фаолияти учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

**МУНОСАБАТ**

# ИМТИЁЗЛАР ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригида давлат томонидан соҳа фаолиятини янада ривожлантириш учун янги имтиёз ва преференциялар бериш лозимлиги алоҳида таъкидланганди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.**

Мазкур қарорда нашриётлар учун ҳам қатор имтиёз ва преференциялар белгиланган. Жумладан, матбаа корхоналари беш йил муддатга бир қатор солиқ, мажбурий ажратмалар ва божхона тўловларини тўлашдан озод этилди, уларнинг айрим солиқ тўловлари ва мажбурий ажратмалар миқдори сезиларли равишда камайтирилди.

Мамлакатимизда нашриётлар ва матбаа корхоналари ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантирилмоқда. Илгари қўрғошинда ҳарф терилиб, китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар матрицалари ҳамда расмлар клишеларини тайёрлаш учун ҳафталаб вақт кетарди. Бу ускуналар экологик жиҳатдан соғлиққа зарарли эди. Бугун эса бу жараёнлар халқаро стандартларга мос янги технологиялар асосида бажарилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нашриётлар 9 тадан 104 тага етди. Агар ўн йил олдин мамлакатимизда 5 нодавлат нашриёт фаолият юритган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 57 тани ташкил этади. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарори билан 2012 йилдан бу тузилмаларга солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар берилди.

– Бундай имтиёзлар матбуот ва матбаанинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш учун молиявий шароит яратиб бериши, соҳа ходимларининг моддий фаровонлигини ошириши, шу билан бирга, бир қатор бошқа соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз, – дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўзимат Сафоев. – 2011 йилда Агентлигимиз тизимидаги нашриётларда 450 номдан зиёд бадиий, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва публицистик адабиётлар нашр этилди. Матбаа корхоналарини модернизация қилиш янада жадаллашди, бир қатор замонавий матбаа ускуналари ўрнатилгач, иш ва вақт ҳажми, нашр жараёнида қоғознинг техник чиқитга чиқиши ва электр энергияси сарфи кескин камайди, матбаа маҳсулотлари сифати эса анча ошди. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бадиий адабиётлар 3 баробар, болалар адабиёти 1,9 баробар, илмий-оммабоп ва энциклопедик адабиётлар 1,6 баробар кўп нашр этилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда катта имкониятлар яратади. Буни "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида мазкур нашриёт фаолияти тубдан ўзгарди, кенг кўламли модернизация ишлари олиб борилди. Эскирган ускуналар ўрнига замонавий чоп этиш, қолип тайёрлаш, елимлаш, бўёқ бериш ва қоғоз кесиш каби полиграфия технологиялари ўрнатилди. Натижада матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўн икки баробар ошди.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил учун



ОБУНА давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.

# РАСТАЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

**"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида янги йил байрами муносабати билан махсус савдо ярмаркаси ташкил этилди.**

"Ўзстандарт" агентлиги ва шаҳарча ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ярмаркада Тошкент вилояти тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, қандолат, гўшт ва сут маҳсулотлари, турли хил ширинликлар, шарбат ва компотлар, тузламалар, тухум ва товуқ гўштлари арзон нархда сотилмоқда.

Ярмаркада ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли хизмат кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ўз маҳсулотларини шаҳарча марказида ташкил этилган махсус расталарда сотишяпти.

Янги йил шодиёналари ва савдо ярмаркаси 26 декабрдан 10 январга қадар давом этади.

**"Туркистон-пресс".**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТОМОРҚА – ТУҒАНМАС ХАЗИНА

# МАЪМУРЧИЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Иккинчидан, "Агробанк"нинг вилоят ва туман филиалларида аҳолига талаб даражасида уруғлик етказиб берувчи гуруҳлар иш бошлади. Бу масала билан банкнинг 35 ходими шуғулланмоқда. Шунингдек, "Агробанк" билан Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ўзаро шартнома асосида кўчма дўконлар орқали 1567 хонадонга 6 миллион 933 минг сўмлик сабзавот экинлари уруғларини етказиб беришди. Айни пайтда вилоят "Бозорсавдо" уюшмаси туманлардаги деҳқон бозорларида ташкил этган 60 та шохобчада уруғлик билан савдо қилиняпти.

**– Маълумки, иссиқхоналар аҳолини қиш бўйи сабзавот ва кўкатлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Афсуски, кейинги йилларда улардан етарлича фойдаланилмаяпти. Сайёра Мавлоновна, иссиқхоналарни кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти?**

– Ҳозирги пайтда вилоятимиз қишлоқларидаги 12 минг 896 хонадон 190,2 гектар иссиқхонага эга. Уларда сабзавот маҳсулотлари, турли кўкат ва лимон етиштиришни кўпайтириш юзасидан тарғибот-ташкилотчилик ишлари бошлаб юборилди. Шу билан бирга янги-янги иссиқхоналар барпо этиляпти. Шу кунгача 3,3 гектар томорқа ерларида 163 та иссиқхона ташкил этилди. Режа бўйича жами 6 гектар майдонда 325 та янги иссиқхона ташкил этилади. Шуни назарда тутиб, қишлоқ хонадонларида 2 сотихли енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этишга киришилди. Хитой услубида қурилаётган бу иссиқхоналарда муқобил иссиқликдан фойдаланилади. Шу йилнинг охиригача 312 та шундай иссиқхона қуриб, битказилади. Ҳозир бу иш 136 та хонадонда бошлаб юборилган.

**– Кейинги йилларда қишлоқ хонадонларида чорвачиликни ривожлантиришга эътибор анча кучайди. Уни янада жадаллаштириш учун қандай чоралар кўриляпти?**

– Тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида хонадонларда саноат усулида парранда боқилишини ташкил этиш асосий ўринни эгаллайди. Йил охиригача бу иш билан шуғулланаётган хонадонлар 1250 тага етказилади. Режа бўйича шу йўл билан бу йил 814,6 миллион дона тухум, 187,3 тонна парранда гўшти етиштирилиши керак. Маҳаллий бошқарув ва хўжалик идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар бу йўналишда қизғин иш олиб боришлари лозим бўлади. Ҳозир борйўғи 35 та хонадонда саноат усулида парранда боқиш йўлга қўйилган, уларда 3,3 минг бош парранда боқилаяпти.

Шу муносабат билан бир қатор туманларда аҳолининг томорқа ерларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг қанчалик муҳимлиги ҳамон етарли даражада англаб етилмаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, Пискент туманида аҳолини уруғликлар билан таъминлаш учун "Агробанк" филиали билан ҳамкорлик ҳамон суст. Бекобод, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларининг деҳқон бозорларида уруғлик билан савдо қилувчи шохобчалар ва расталар ташкил этилмаган. Бекобод ва Оққўрғон туманларида муқобил иссиқликдан фойдаланувчи енгил иссиқхоналар қуриш режаси энди 21-22 фоиз бажарилди. Олмалиқ шаҳри, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон туманларида томорқа ерларидан унумли фойдаланишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада эмас. Ўрта Чирчиқ туманида кам таъминланган оилаларнинг томорқа ишларини ташкил этиш учун микрокредитларга бўлган эҳтиёж ўрганилмаган.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш штаби аъзолари, тегишли бошқарма ва маҳаллий ҳокимликлар бу камчиликларни бартараф этиш, кўкламги экиш-тикиш мавсумига пухта тайёрланиш чораларини кўрмоқдалар. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шаҳар ва туман кенгашлари билан бирга ўтказилган қўшма сессиясида бу масала алоҳида кўриб чиқилди. Туман ҳокимларидан шу кунларда экин ёки мевали кўчат экиладиган томорқа майдонларини аниқлаш, эртаги сабзавот кўчатларини тайёрлаш, кам таъминланган оилаларга уруғлик, кўчат ва иш қуроллари билан ёрдам кўрсатиш, муқобил иссиқликдан фойдаланувчи иссиқхоналар қуришни жадаллаштириш чора-тадбирларини кўриш талаб қилинди.

– Ер – улуғ бойлик, экин экмоқлик ҳам эҳсон, – деди суҳбат пировардида Сайёра Мавлоновна. – Дунёдаги кўплаб мамлакатларда иқтисодий инқироз таъсирида турмуш шароити ёмонлашиб бораётган бир пайтда Юртбошимизнинг оқилона саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда маъмурчилик. Бунда томорқа ерларида етиштирилаётган ноз-неъматларнинг салмоғи катта. Уларни янада кўпайтириш йўлидаги чора-тадбирлар бу жараённи жадаллаштиради, халқимизнинг дастурхони тўкин, бозорларимизда мева, сабзавот ва бошқа ноз-неъматлар бисёр бўлишига хизмат қилади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди**



(Давоми. Боши 1-бетда).

ИҚТИСОДИЁТ

# ХОРИЖНИКИДАН АЪЛО ВА НАРХИ ҲАМ АРЗОН

**Тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор натижасида марказдан олис ҳудудларда ҳам кичик корхоналар кўпаймоқда. Бекобод шаҳрида айни пайтда юзлаб хусусий тадбиркорлар фаолият юритмоқда.**

"Чўян-Пўлат қуйиш сервис" хусусий корхонасининг ташкил топганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ, иқтисодий ўсиш айтишга арзигулик.

Корхонада чўян ва пўлатдан қуйиладиган турли маҳсулотлар тайёрланади. Бундан ташқари, шаҳар ва Оҳангарон туманидаги цемент заводларига цильпебс хом ашёси етказиб берилмоқда.

– Цильпебс цемент ишлаб чиқариш учун тайёрланган хом ашёни майдалашда ишлатилади, – дейди корхона раҳбари Акмал Ботиров. – Ўтган ойларда ойига 30 тонна ишлаб чиқарган бўлсак, талаб ортиб, ҳозир 150 тоннага етди.

Бир вақтлар Россия, Қозоғистон давлатларидан келтирилган маҳсулот ўзимизда тайёрланаётгани қувонарли, албатта. Корхона "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти талабига асосан редуктор, насос қопқоқлари, чўяндан тайёрланадиган барча турдаги эҳтиёт қисмларини тайёрлашни режага киритган. Бир сменада ишлаётган "Чўян-Пўлат қуйиш сервис"да янги йилдан бошлаб 3 сменада ишлашга ўтилди. Демак, ўз фаолиятини кенгайтирган корхонада ишлаётган 20 нафар ишчига яна 30 нафари қўшилди.

Дарвоқе, корхонада ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Улар Андижон, Наманган вилоятларидаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиб, малакаларини оширмоқдалар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

# ТАЪСИРЛИ ТАҚДИМОТ

**Пискент туманида Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Уни 1-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ноанъанавий тарзда ташкил этди. Асардан ўқилган қатралар, давлат рамзлари воситасида саҳналаштирилган ижро, халқ қўшиқлари ва миллий оҳанглар китобнинг мазмун-моҳиятини очиб берди. Бу сиёсий-маърифий-бадиий тақдимот иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Марҳабо ҚУРБОНОВА, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

МУНОСАБАТ

# ИМТИЁЗЛАР ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Биргина мисол: ўн-ўн беш йил олдин рангли альбомлар асосан хорижий мамлакатлардаги матбаа корхоналарида чиқариларди. Бу йўналишдаги модернизация ишлари самарасида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан рангли альбомларни чоп этиш йўлга қўйилди.

Олдин сифатли ўқув дафтарлари ҳам асосан хориждан келтирилган бўлса, бугун замон талабларига ва миллий қадриятларимизга мос дафтарлар ўзимизда тайёрланмоқда. 2011 йилнинг ўзида 30 миллиондан зиёд ана шундай дафтарлар ишлаб чиқарилди.

– 2011 йилда 150 минг нусхадан ортиқ ижтимоий-сиёсий ва 300 минг нусхадан зиёд болалар адабиётларини нашр этдик, – дейди "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажонов. – Илгари бундай адабиётларни сотишдан олинган фойдадан 9 фоиз фойда солиғи, 8 фоиз ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўлардик. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига 1,4 фоиз, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига 0,5 фоиз мажбурий ажратмалар ажратиларди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори билан мамлакатимиздаги кўплаб нашриёт ва матбаа корхоналари сингари "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам мазкур тўловлардан беш йилга озод этилди. Бу биз, соҳа ходимлари учун жуда улкан имкониятдир.

Нашриётдаги қоғоз, полиграфия бўёқлари, офсет пластиналари ва резиналари, тикиш материаллари ва елимлар каби полиграфия маҳсулотлари хориждан келтирилади. Уларни мамлакатимизга олиб киришда 20 фоиз божхона тўловлари тўланарди. Масалан, 2011 йилда нашриётда 50 номдан зиёд газета-журналларни 35 миллион нусхада чоп этиш учун 1,6 минг тоннадан зиёд газета қоғозлари ишлатилди. Уларни олиб келишда муайян божхона тўловлари тўланди. Президентимизнинг мазкур қарорига биноан энди беш йил мобайнида нашриётлар импорт полиграфия материаллари учун божхона тўловлари тўламайди. Бу миллионлаб сўмлик маблағ нашриётларнинг ўзида қолади деганидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдори икки фоиздан бир фоизга пасайтирилди.

Солиқ имтиёзлари туфайли тежалган маблағлар нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттиришга, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришга йўналтирилади. Бу матбаа маҳсулотларининг хориж бозоридаги рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим омил бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов қарори билан оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ўзимиз танлаган ва ҳеч қачон ортга қайтмайдиган йўлдан собитқадамлик билан одимлаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу ишларга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Умид ЁҚУБОВ, ЎзА мухбири.**

ЯНА КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР ҲАҚИДА

**Шу аёзли кунларда хонадонингиз иссиқ, чироғингиз нур сочиб турганига не етсин. Бағрингиз бут, кўнглингиз ёруғ, чеҳрангизда мамнуният. Кечки пайтлари қозон олдида куймаланаётган қиз-келинларнинг ҳаракатлари енгил. Оловни керагича кўтариб ёки пасайтириб, масаллиқни тобига етказиб пиширади. Қайси хонага ўтсангиз, ёққичга хотиржам қўл узатасиз, ҳовлингизда лампочка чарақлаб турибди, ҳаммаёқ чароғон.**

# ГАП – ТАШКИЛОТЧИЛИКДА



Хонадонларга иссиқлик, ёруғлик етказиб бераётган ишчи-хизматчиларнинг шу кунлардаги меҳнатларини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Улар пағa-пағa қор ёғиб турган пайтда ҳам, аччиқ совуқ суяк-суякдан ўтиб кетаётган кезларда ҳам газ ва электр узатиш линиялари бўйлаб ўз ишларини давом эттиришади. Бирор жойда озгина камчилик ёки нуқсон сезилса, катта-кичик асбоб-ускуналар ва машиналар ишида сезилар-сезилмас носозлик кузатилса, дарҳол уни бартараф этиш чорасини кўришади.

– Афсуски, баъзи истеъмолчилар шундай мураккаб, масъулиятли кунларда ҳам ўз хизмат бурчларини сидқидилдан бажараётган ходимларнинг меҳнатини етарлича қадрлашмайди, уй-рўзғорда, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланилган газ учун вақтида ҳақ тўлашмайди, – дейди Қибрай туман газ идораси абонент хизмати етакчи муҳандиси Эркин Ҳожиев. – Айтайлик, ноябрь ойида газ учун тўлов тушуми 49,7 фоизда қолиб кетди. Демак, ўртача олганда, ҳар икки истеъмолчидан бири газ ҳақини тўламади...

Қибрай – вилоятнинг йирик туманларидан бири. Шаҳарчалар ва қишлоқлардаги 90 та маҳаллада 38 минг 118 та хонадон бор. Корхона, ташкилот ва муассасалар 2450 тадан кўп. Энди газ таъминотини ташкил этишдаги аҳволни тасаввур қилиб кўринг: тушум тенг ярмидан ортиқ камайиб кетгач, газ таъминоти корхоналарида технологик жараёнларни маромида ташкил этиш мураккаблашади, иш ҳақини тўлаш, шериклар билан ҳисоб-китоб, солиқ тўловларида муаммолар юз беради. Бу охир-оқибатда газ етказиб беришда узилишлар бошланишига сабаб бўлади. Хонадонларда қулайсизликлар, хизмат кўрсатиш соҳаларида, умуман, иқтисодиётда депсинишлар бошланади.

Хўш, шундай чирсиллама қиш кунларида бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

– Бамаслаҳат бунинг йўлини топдик, – дейди Эркин Ҳожиев сўзини давом эттириб. – Ноябрь ойидан бошлаб ҳар бир маҳаллада қанча истеъмолчи борлигига қараб, ойлик пул тушуми белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасдиқлаган 1031-низом асосида барча корхона, ташкилот, муассасада ишлаб, туманимизда яшаётган ишчи-хизматчилар хонадонлари фойдаланган газ учун тўлов ойлик иш ҳақи ҳисобидан ўтказиб берилиши йўлга қўйилди. Эски қарзлар ҳам ҳисобга олиниб, бир ойда улгуржи истеъмолчилардан 1 миллиард 189, аҳоли хонадонларида фойдаланилган газ учун 3 миллиард 132 миллион сўм тушум режалаштирилиб, уни бажаришга киришилди.

Газ ҳақини ундириш юзасидан белгиланган режалар оғишмай бажарилиши учун молия-хўжалик ташкилотлари, корхона ва муассасалар раҳбарлари, шаҳарча ва қишлоқларнинг фуқаролар йиғинлари оқсоқолларида, газ идораси ходимларида масъулият кучайтирилди.

Айни декабрь ойи давомида тумандаги жами истеъмолчиларга 3 миллиард 944,9 миллион сўмлик газ етказиб берилди. Унинг 3 миллиард 408,8 миллион сўмлик миқдордаги асосий қисмидан аҳоли ўз хонадонлари эҳтиёжи учун фойдаланди.

Аҳоли ўртасида олиб борилган ташвиқот-тарғибот ишлари, маҳалла фаолларининг ташкилотчилиги, бошқарув-хўжалик идораларида кўрилган чоралар ўз самарасини берди. Декабрь ойида туманда газ учун жами тўловлар 3 миллиард 324,3 миллион сўмга етиб борди. Унинг 776,6 миллион сўмини улгуржи истеъмолчилар, 2 миллиард 547,7 миллион сўмини аҳоли хонадонлари фойдаланган газ учун тўловлар ташкил этди. Улгуржи истеъмолчилардан газ учун тушум режада белгиланганидан 144,9 фоиз юқори бўлди. Аҳоли хонадонларидан тушум 74,7 фоизга етди. Бошқача қилиб айтилса, ноябрь ойида ҳар икки хонадоннинг бири газ учун ҳисоб-китоб қилмаган бўлса, декабрда ҳар тўрт хонадоннинг фақат биттаси газ ҳақини тўламади. Умуман эса, газ учун ялпи тушум ноябрь ойидаги 49,7 фоиздан декабрь ойида 84,3 фоизга кўтарилди.

Ҳа, қалови топилса, қор ҳам ёнади деб шунчаки айтишмайди. Сўнгги икки ой тажрибаси Қибрай тумани мисолида буни яққол тасдиқлади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**Тошкент вилояти ҳокимлиги, Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси**

**ташаббуси билан 2012 йил 10 январда Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Маданият саройи биносида "Тадбиркорлик – мустаҳкам оила пойдевори" мавзусида вилоятдаги ташаббускор тадбиркорлар, сервис соҳасида хизмат кўрсатувчи корхоналар, фермерлар ҳамда хорижий инвесторлар томонидан 2012 йилга мўлжаллаб тақдим этилган**

**"Энг яхши лойиҳа"**

**вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтади.**

**Ушбу кўрик-танловга барча тадбиркорлар таклиф этилади.**

**Маълумот учун телефонлар: 230-78-39, 230-78-40.**

# ОИЛА – МАҲАЛЛА – МАКТАБ...

***Ҳар ишнинг барори, хайрли эртаси унинг пишиқ-пухта режа асосида бажарилишига боғлиқ. Аниқ мақсад сари йўналтирилган саъй-ҳаракатнинг беҳуда кетмаслиги ҳам бор гап. Шу маънода Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили айниқса, тадбиркорлар, ҳунармандлар, фермерлар, қисқаси оилавий бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар учун омадли, барорли келганлиги шубҳасиз. Аммо, инсон учун бахт келтирувчи энг муҳим омил бу сўзсиз – соғлом, мустаҳкам оиладир. Оиласи ва фарзандларидан кўнгли тўқ инсоннинг иши ҳам бароридан келади, қалби ҳам эзгуликка, хайрли амалларга эш бўлади.***



2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталгани бежиз эмас. Жамият тараққиётининг етакчи кучи – ёшлар тарбияси, аввало, оиладан бошланишини яхши биламиз. Боғча ва мактабдаги таълим-тарбия эса оилада униб-ўсаётган боланинг камол топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган муқаддас даргоҳ. Шу маънода "Оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлигида кўпгина хайрли ишларни амалга ошираётган, яхши натижаларга эришаётган Зангиота тумани, 56-умумтаълим мактаби жамоаси фаолияти бошқаларга ибрат бўлса арзийди. Бунда, мактаб раҳбари, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Умида Каримованинг хизматлари катта.

– "Мустаҳкам оила йили"ни катта умидлар билан кутиб олдик, – дейди Умидахон. – Нафақат ота-она, балки устоз-мураббийлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайдиган йил келгусида Ватанимиз равнақи, жамият тараққиётида муҳим бурилиш ясайди дея баралла айтиш мумкин. Ахир, ҳар томонлама етук, баркамол фарзандлар маънавий соғлом, мустаҳкам оилалардан етишиб чиқади. Яхши тарбия кўрган болалар мактабда ҳам устозлар ва тенгдошлари меҳри, эътиборига сазовор бўлишади. Ўз ўрнида мактаб ҳаёти оиладаги тарбиянинг давоми, уни тўлдириб, билимларини кенгайтириб, мустаҳкамлаб боради. Шунинг учун ҳам "Оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилади. Ҳамкорлик асосида аълочи, жамоатчи ўқувчиларни рағбатлантириш маъносида 100 минг сўмдан стипендия ажратилди.

Мактаб аслида болаларнинг иккинчи уйи, оиласи. Уни мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга солиш биз ўқитувчиларнинг вазифаси. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. 2010-2011 ўқув йилида 1717 ўқувчининг 848 нафари фан олимпиадаларида иштирок этишди. Дурдона Абдуғаниева (физика), Феруза Чиналиева (рус тили ва адабиёти), Абдумавлон Маликов (тарих) вилоят босқичида фахрли ўринларни эгаллашди. "Билимлар синови"да ҳам Ислом Турсунмуҳамедов, Муҳаммаднодир Сафоев каби иқтидорли ўқувчиларимиз вилоят миқёсида энг яхши табиатшунос, тарихчи дея эътироф этилди. Бунда "Устоз-шогирд" анъаналари яхши натижа бермоқда.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳам бесамар кетмаяпти. 863 нафар спорт тўгараклари иштирокчиларидан 486 нафари қизлар. Мактаб жамоаси "Камолот маликаси" Б. Норматова, спортнинг каратэ ва миллий кураш тури бўйича вилоят ҳамда республикада таниқли Х. Зайнутдинов, Д. Иноятов, Б. Фатторовлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Мактаб директорининг сўзларига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир ишда раҳбарнинг иқтидори, салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, она тили ва адабиёт ўқитувчиси, 2007 йилда "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" дея тан олиниб, "Оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлигини самарали йўлга қўйган раҳбар сифатида тажрибаси, иш фаолияти республика миқёсида оммалаштирилаётган Умида Каримова келажакда фарзандлари ва ўқувчилари салоҳияти, баркамоллиги билан юрт ободлиги, Ватан равнақи йўлида баракали меҳнат қилишига шубҳа йўқ.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

## XXI аср ва дунё

### ВАЦЛАВ ГАВЕЛНИНГ ХОКИ ОИЛАВИЙ ХИЛХОНАДА

***Чехиянинг биринчи президенти Вацлав Гавелнинг хоки солинган идиш унинг Прага қабристонидаги оилавий хилхонасига дафн этилгани ҳақида хабар тарқатди Associated Press.***

Ёпиқ кўмиш маросимида Гавелнинг укаси Иван, беваси Дагмар, яқин дўстлари ва қариндошлари қатнашди. Дафн куни тасодифан Гавелнинг Дагмарга уйланганининг 15 йиллик юбилей кунига тўғри келди. Унинг хоки солинган идиш биринчи хотини Ольга қабри ёнига кўмилди.

Вацлав Гавел билан хайрлашув расмий маросимида жаҳонга таниш етакчилар, жумладан, АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон, Франция президенти Николя Саркози, Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон иштирок этишди. Гавел узоқ давом этган оғир хасталикдан сўнг 75 ёшида вафот этди.

Чехославакия Варшава шартномасига аъзо давлатлар таркибида эканлигида Гавел муртад ҳамда 1989-93 йиллардаги "бахмал" инқилоби асосчиларидан бири ҳисобланган. Ушбу инқилоб Чехославакиянинг икки мустақил давлат – Чехия ва Словакияга бўлиниб кетишига олиб келди. Гавел Чехославакиянинг сўнгги, Чехиянинг эса биринчи президенти бўлди.

### НАРКОКАРТЕЛЛАР ҚИРПИЧОҚ БЎЛИШДИ

***Мексиканинг Тамаулипас штатидаги Алтамар шаҳри турмасида оммавий муштлашув юз берди.***

Associated Pressнинг Тамаулипас штати ижтимоий хавфсизлик департаменти баённомасига таяниб маълум қилишича, хунрезлик давомида 31 маҳбус ҳаётдан кўз юмди, 13 маҳбус жароҳатланди.

Бир гуруҳ маҳбуслар турманинг ман этилган қисмига бостириб кириб, у ерда сақланаётган маҳбусларга ташланишгач, кучли муштлашув бошланди. Департаментдаги ўзини танитишни истамаган манбанинг ҳикоя қилишича, муштлашув иштирокчилари ясама пичоқлар билан қуролланган эдилар.

Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг тасдиқланмаган маълумотларига қараганда, муштлашув икки наркокартель – "Залива" ҳамда "Зетас" ўртасида келиб чиққан. Турмадаги вазиятни аскарлар ҳамда денгиз пиёдалари ёрдамида назорат остига олишга муваффақ бўлишди.



# ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ҲАКАМИ

**Жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қилиб, баҳолаб борадиган Worldreferee.com сайти ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматовни 2011 йилги футбол мавсумининг "Энг яхши ҳаками", деб эълон қилди.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча йўналишлари қатори футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Футболда қўлга киритаётган ютуқ ва ғалабаларимиз сони ва салмоғи йилдан йилга ошиб бораётгани халқимизга улкан ғурур-ифтихор бахш этмоқда.

2012 йилнинг дастлабки кунларида спорт оламидаги нуфузли ташкилотлар, нашрлар ва сайтлар, эксперт ва мутахассислар 2011 йилги мавсум якунлари, таҳлил ва баҳолар, танлов ва сўровномалар натижаларини эълон қилмоқда. Қувонарлиси, бу жараёнда ҳамюртларимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юқори баҳоланиб, алоҳида эътироф этилмоқда.

Футбол ҳакамлари фаолиятини кузатиб борадиган Worldreferee.com сайти томонидан Р. Эрматовнинг фаолияти юксак баҳолангани ҳам миллий футболимизнинг улкан ютуқларидандир. Мазкур сайт мутахассислари энг яхши ҳакамларни ҳар бир учрашувда қўйилган баллар ҳисоб-китоби бўйича аниқлайди.

2003 йилдан буён Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келаётган Р. Эрматов учун 2011 йилги футбол мавсуми ҳам омадли бўлди. Ҳамюртимиз ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси шафелигида ўтказилган нуфузли учрашувларни – жаҳон чемпионати ва Олимпиада саралаш ўйинлари, Осиё чемпионлар лигаси ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал баҳсларини юқори савияда бошқарди. Зеро, бундай масъулиятли ва тарихий учрашувлар юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода, азму шижоат, чуқур билим ва пухта жисмоний тайёргарликка эга мутахассисларгагина ишониб топширилади.

Р.Эрматов қатор халқаро спорт ташкилотлари, мутахассислар ва экспертлар томонидан дунёнинг энг адолатли ва тажрибали ҳакамларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, Осиё футбол конфедерацияси 2011 йил якунларига кўра, ҳамюртимизни қитъамизнинг энг яхши ҳаками, деб топди. Бу соврин ОФК шафелигида ташкил этиладиган футбол учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар учун энг юксак эътирофдир. Р. Эрматов бу совринга кетма-кет тўрт маротаба сазовор бўлган ягона ҳакамдир.

Шунингдек, ҳамюртимиз футболга ихтисослашган яна бир интернет сайти – Euro-football.ru ташкил этган сўровда ҳам "Йилнинг энг яхши ҳаками" сифатида эътироф этилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## НИГОҲ

# ТОЖИКИСТОННИНГ ЛИВИЯГА ХОС «КАСАЛИ»

**Араб мамлакатларида рўй бераётган воқеалар Тожикистон раҳбариятини жиддий қўрқитиб қўйди. Чамаси, Имомали Раҳмон ва унинг яқинлари аниқ хавф-хатарни сезишди. Чиндан ҳам кейинги пайтларда Тожикистонда Ислом тикланиш партияси тобора кенг ёйилмоқда. Масалан, "Нигоҳ" газетаси яқинда ўтказган интернет-сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг 44,3 фоизи Ислом тикланиш партияси учун овоз беришган. Ҳақиқатни айтганда, барча партияларга қарши янада кўпроқ – 45,2 фоиз овоз беришган бўлар эди.**

Сўров шуни кўрсатадики, мамлакатда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган оғир ҳаёт натижасида ҳукумат халқ ишончини бутунлай йўқотиб бўлди. Ислом партияси мавқе ва нуфузининг кенг ёйилиши шу билан изоҳланади.

Президент Раҳмон яқинда Тожикистон Мажлиси Олийга мурожаатида бир неча "ўткир" хулосаларини баён этди: "Мамлакатни коммуникациявий яккаланиб қолишдан чиқариш ва уни халқаро меъёрларга мос инфратузилмага эга транзит ҳудудга айлантириш иқтисодий сиёсатимизнинг яқин келажакдаги стратегик мақсадини ташкил этади".

Маълумки, Тожикистон йўлларини, ҳатто, муболаға билан ҳам, кўнгилдагидек деб бўлмайди. Буни қарангки, мамлакат раҳбарияти шундай йўлларга ҳам тўлов жорий этди (гап Душанбе шаҳрини Сўғд вилояти билан боғловчи Душанбе-Чанақ трассаси ҳақида бормоқда). Норози кишилар Президентдан ҳимоя кутиб аллақачон кўчага чиқишди, бироқ бу бориб турган соддалик эди. Оммавий ахборот воситаларида йўл йиғимлари Раҳмоннинг оиласи назоратидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилгани ҳақида бир неча бор маълумот берилди.

Президент ўз мурожаатида етим ва назоратсиз болалар муаммоларига ҳам тўхталди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида бундай болалар бир неча бор кўпайди. Ўтган йилларда мактаб-интернатлар икки баравар ошиб, 41 тадан 84 тага етди. Ана шунақа "ўсиш"! Мамлакатдаги меҳнатга яроқли аҳолининг деярли барчаси четга иш излаб кетгани боис яна қанчадан қанча болалар кўчада қаровсиз қолаётгани масаласига, президент, албатта, аниқлик киритмади.

Қизиқ, Раҳмон тиббиёт муаммолари ҳақида гапириб, жойларда 10 минг врач етишмаётганини айтаркан, нималарни ҳис қилди экан?! Ахир, бундай ҳолатнинг сабабчиси унинг ўзи-ку! Бугунги кунда мамлакатда ўқитувчилар, инженер ва қурувчилар фожиали даражада етишмайди.

"Кейинги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалигида экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кўпайтириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган қатор муҳим ва жиддий ислоҳотлар амалга оширилди", – деди Раҳмон парламентга қилган ўша мурожаатида.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий маълумотларига кўра, мавжуд техникаларнинг бор-йўғи ярмигина ишга яроқли, қолгани эҳтиёт қисмлар етишмаслигидан устахоналарда занглаб ётибди. Ушбу тармоқ ёқилғи билан бор-йўғи 8,8 фоиз таъминланган. Шундай экан, Тожикистонда ҳамиша бўлганидек, ислоҳотлар чиройли сўзлар ва қоғозларда қолиб кетаётган лойиҳалардан нарига ўтмаяпти. Қишлоқ хўжалиги эса, саноат соҳаси каби аллақачон емирилиб бўлган.

Араб дунёси воқеалари фақат президентнигина бефарқ қолдирмади. Бу масалада парламент спикери Махмадсаид Убайдуллоев ҳам баёнот берди: "Айрим мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий муаммолар туфайли вазият табиий тарзда мураккаблашмоқда, шунинг учун бош прокурор ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи барча идоралар барқарорликни сақлаш, қонунларга риоя қилиш ва тартиб-интизомни таъминлаш устидан назоратни кучайтиришлари, шахс ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари зарур, деб ҳисоблайман".

Бу борада Марказий банк раиси Шариф Раҳимзоданинг мамлакатдаги юқори инфляцияни Ливиядаги тартибсизликлар билан боғлашга уриниши ғалати кўринади. Унинг айтишича, Ливиядаги уруш тожик пулининг қадрсизланишига олиб келган.

Аслида, инқироздан боши чиқмаган, инфляция ҳар доим мавжуд бўлган Тожикистонни асосий жабрдийда қилиб кўрсатиш шубҳали туюлмайдими? Чамаси, амалдор мамлакат бошига тушган балонинг сабабчисини топишда чегарадан ўтиб кетганга ўхшайди. Ахир, Тожикистон қайда-ю, Ливия қайда?!

Мамлакатдаги вазиятга ҳушёр кўз билан қаралганда маълум бўладики, ҳеч ким Тожикистонга мансабни бойиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш воситаси деб қаровчи давлат раҳбари ва бошқа амалдорларичалик зарар келтирган эмас.

**Шамсулло НАЗАРОВ.**
**www.centrasia.ru**

### ПРЕЗИДЕНТ ХАВФЛИ ЎСИМТАДАН ҚУТУЛДИ

***Саратон касали ташҳиси қўйилган Аргентина президенти Кристина Фернандес де Киршнернинг хавфли ўсимтаси олиб ташланди.***

AFP агентлиги давлат раҳбарининг матбуот котиби сўзларига таяниб ёзишича, жарроҳлик енгил кечди. Матбуот котибининг таъкидлашига кўра, президент шифохонада 72 соат бўлади.

Врачлар 58 ёшли Киршнернинг қалқонсимон безида хавфли ўсимта борлигини декабрь ойининг охирларида режа бўйича ўтказилган тиббий кўрик жараёнида аниқладилар. Улар Аргентина раҳбарининг хавфли касалликдан фориғ бўлиб, бутунлай соғайиб кетиш имкониятини 90 фоиз деб баҳоладилар.

Кристина Фернандес де Киршнер 2007 йили Аргентинага президент бўлган эди, 2011 йилда эса шу давозимга қайта сайланди.

### МУХОЛИФАТ COCA-COLA ЁРДАМИГА МУҲТОЖ

***Свазиленд давлати мухолифати Coca-Cola корпорациясидан мамлакатда сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш учун қирол Мсвати III га босим ўтказишни илтимос қилди.***

BBC Newsнинг хабарига кўра, мамлакатдаги бирлашмалардан бирининг фаоли Лаки Лукеленинг фикрича, "монарх Мсвати IIIнинг бошқарув тизими апартеид (ирқчилик)дан фарқ қилмайди". Свазилендда фаолият юритаётган барча йирик компаниялар демократик ҳаракат тарафида турмоғи лозим. Coca-Cola компанияси Свазилендлаги энг йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. Норасмий маълумотларга қараганда, мамлакат бюджети даромадларининг тахминан 40 фоизи айнан унинг ҳиссасига тўғри келади.

Coca-Cola ўзи бизнес юритаётган мамлакатнинг сиёсий ҳаётига аралашмаслиги, Мсвати IIIнинг ўзи компаниядан ҳеч нарса олмаётгани ҳақида компания раҳбарлари бир неча бор айтишган. Лаки Лукеле таъкидладики, кейинги пайтда компания қиролга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсата бошлади. Унинг фикрича, Coca-Cola ўтган йили қиролнинг туғилган куни муносабати билан маҳаллий матбуотда табрик эълон қилгани буни исботлайди.

Свазиленд мутлақ монархия давлати бўлиб, барча сиёсий партиялар фаолияти тақиқланган. 44 ёшли қирол Мсвати III мамлакатни 1986 йилдан буён бошқармоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

# АСОМ ҒАДАНГ АЧЧИҚ КУЛДИ

*– Гарчи, ўз наздида улкан бир қоя,*
*Ҳаёти – сурат, иши – пуч, изсиз бир соя...*

– Ҳа, мулла Асомиддин, нечун бунча заҳархандалик?

Комил оқсоқолнинг бу саволи ҳаммани огоҳ тортирди. Автобус тўла одамлар жим бўлиб қолишди. Аслида Ғадангнинг заҳарханда мисраларидаги таъкид ўринли. Унинг жаҳли чиққанича бор.

Ҳаммаси ҳозиргина тўйхонада тилшунос ҳамқишлоқлари Турди Дононинг бир оғиз сўзидан бошланди. Умри мактабда болаларга "Х" билан "Ҳ"нинг талаффуздаги фарқини ўргатиш билан ўтган Оқилхон домла тўйхонадан чиқиб келаётиб, қишлоқнинг хароба мактабида бир партада ўтириб ўқиган Донога:

– Кечаги газетада босилган "Ўзингиздан қўймасин, чолим" ҳикоясини ўқидингизми? – деб савол бериб қолди.

Пўрим кийинган, энгакдаги уч энлик соқол қулоқлари остигача ингичка тортилиб борган Доно бу саволни эшитиб, тундлашди:

– Ёзувчингиз истеъмолдан қолган "чол" сўзини қўллапти. Бу, аслини олганда, сиз билан бизни ҳақоратлаш, камситиш!

Домла ҳам бўш келмади:

– Нима, бўлмаса, сизнингча, "фахриям" десинми? "Нуронийим" десинми?

Ғаданг тўйда эканликлари, қуданинг зиёфатидан чиқиб келишаётгани, ҳозир асло мусоҳаба фурсати эмаслигига шаъма қилиб, икки жўжахўрозни тинчлантирмоқчи бўлди:

– Ўғлингиз Муродиллaнинг иши яхшими, Турдиҳожи?

– Раҳмат. Ҳозир поездкада. Чехиядан офисига янги мебеллар олиб келгани кетган.

Домла Донога юзланди:

– Бу қанақаси, тилшунос? "Поездка", "офис"лар нимаси?

Доно тил ўқитувчисига энсаси қотиб тикилди:

– Бутун умр тортишиб ўтдинг-а, Домла!

– Ҳаракатларим ўринлими-ўринсизми, мен тилимни сақладим, ўзлигимни сақладим. Сен, тилшунос олим, ўз донолигинг-ҳайбаракаллачилигинг билан шунчалик мартабага эришдинг...

Доно бир нима демоқчи эди, Оқсоқол тирсагини тутди:

– Қўйинг, Ҳожи, ҳозир тортишув дами эмас, – шундай деди-да, уни майдоннинг бир чеккасига бошлади. – Аслида Оқилхон домла ҳақ. Эсингиздами, университетда ўқиётганимизда "самовар" эмас, "ўзиқайнар", "паровоз" эмас, "ўзиюрар", "самолёт" эмас, "тайёра" бўлиши лозим деб илмий давраларда нутқ ирод қилардингиз. Эллигинчи йилларга келиб эса, тилшуносликка оид илмий ишингизда рус тили орқали кириб келган сўзлар ўзбек тилини бойитади, деб ёздингиз. Тўқсонинчи йиллари бўлса, катта-кичик йиғинларда "тилимизни йўқ қилмоқчи бўлишди" дея айюҳаннос солдингиз. Мана энди сиз каби олимларнинг ҳайбаракаллачилиги туфайли "офис", "мониторинг", "мини-маркет" "шоп" сингари сўзлар тилимизга тажовуз қилаяпти. Нима, бу маъноларни ифодалайдиган сўзлар ўзимизда йўқми?

– Пештоқлардаги лавҳаларни қаранг, – деди Ғаданг Оқсоқолнинг фикрини қувватлаб. – Бир пайтлар "магазин" лавҳасини қоралаб ёзганингизни ўқиганман. Хўш, нега ҳозир "шоп", "мини-маркет" деган лавҳалар эътирозингизни қўзғатмайди?

Доно бир Оқсоқолга, бир Ғадангга такаббурона нигоҳ ташлади-да, қўл силтади:

– Ҳе, сизларни... – деб хитоб қилганича, йўл бўйида турган қора "мерседес" томон шипиллаб жўнади.

– Ҳа, умри изсиз кетди, Донoнинг, – деб қўйди Оқсоқол ва ён ўриндиқда ўтирган Домлага юзланди:

– Сизнинг жонбозликларингиз мевасини ҳар қадамда кўриб турибмиз, Оқилхон дўстим, – деди. – Туман газетасидаги мақолангизни хўп ўхшатиб ёзибсиз. Тил – қотиб қолган қадрият эмас. Дунёга юз тутган халқ, миллат борки, тили янги-янги сўзлар билан бойийди.

– Лекин иш оқилона бўлсин, шу ниқоблар остида хашаки сўз ва иборалар тилимизга ўралашмасин.

– Ҳақсиз, – Оқсоқол олдинги қаторда ўтирган Бахриддин БАМнинг кифтига қоқиб қўйди. – Аммо, шундай тушунчалар борки, уларнинг умумистеъмолдаги замонавий ифодасини ўзбекчалаштириш, жўн қилиб айтганда, гапларимизни моҳиятан сийқалаштиради.

– Жуда тўғри, – қувватлади БАМ. – Мана, масалан, илмда олимлик мақомини ифодаловчи "кандидат", "доктор", "профессор" сўзларини олиб кўринг. Ҳозир, айтайлик, "тарих фанлари кандидати" атамасида "кандидат" сўзини "номзод" билан алмаштириш расм. Лекин, кейингиси олдингисининг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифодаламайди, мен сизга айтсам.

– Агар шу усулда давом этилса, "тарих фанлари доктори"да "доктор"ни қайси сўз билан алмаштирган маъқул? – луқма ташлади нариги қатордан Олим читтак.

– Ўлманг! – бир тебраниб қўйди БАМ.

– Умуман, барча тилларда қабул қилинган атамалар бизда нега ўзлаштирилмаслиги керак? – мулоқотга қўшилди орқароқдан Аҳмад НАТИ дўриллаб. – "Стадион"ни нега "ўйингоҳ" дейишга ўтдик? Шундай давом этадиган бўлса, "футбол"ни "тўп ўйин" дея қолайлик.

Ғизиллаб бораётган автобусда дув кулги кўтарилди.

– Ўн йилдан ошди, ўзим атамаларни енгил-елпи ўзгартириш қурбони бўлаёзганман, – олдинги қатордаги Ҳошим сайёҳ ўрнидан қўзғалиб қўйди. – Самарқандга учишим керак. Шу десангиз, бекатда автобус кутаяпман, кутаяпман, аэропортга олиб борадигани ҳеч келмайди-да. Қарасам, учиш вақтига ярим соат қолаяпти. Бетоқат бўлиб, ёнимда турган бир ўспириндан сўрадим:

– Ўғлим, аэропортга олиб борадиган автобуслар бошқа кўчадан ўтаяптими?

Боласи тушмагурнинг кўзлари шокосадек бўлиб кетди:

– Ана, келиб тўхтаяптику, – деди.

Автобус пешонасидаги лавҳани ўқидим: "Тайёрагоҳ". Ҳайрон бўлдим. Яна болага қарадим. У ишорамни тушуниб:

– Аэропорт "тайёрагоҳ" дегани-да, – деди.

– Хўш, айтинг-чи, бу аталарнинг қайси бири моҳиятни аниқроқ ифодалайди? – Фикрини давом эттирди Сайёҳ. – Албатта, "аэропорт" сўзи-да. Агар ўша йиллар тамойилига амал қилинса, трактор, автомашина, гараж, парк сўзларига ҳам ўзбекча маънодош сўз излаш керакми?

– Доно сингари тилшунослар бунинг эвини топсин, – луқма ташлади боядан буён шофёр билан вақиллашиб келаётган Самиғ писмиқ.

– Топишади, – деди Оқсоқол. – Лекин яна ҳаммасини оёғини осмондан келтиришади.

– Тарих ғилдираги эса, айланаверади, – кулди Ғаданг. Кейин оҳиста қўшиб қўйди. – Йўқ, Доноларга йўл бермаслик керак. Ҳамма нарсада оқиллик бўлгани маъқул. Ҳаёт ривожланиб боргани сари тиллар бир-бирини тўлдиради, бойитади. Шу жараёнда сараги-саракка, пучаги-пучакка ажралиб бораверади. Ҳеч ким эволюцион тараққиётга қаршилик қила олмайди. Ҳатто Доно сингарилар ҳам,

Унинг кулгиси аччиқ эди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

# МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**Юртимиздаги барча театрларда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган спектакллар намойиш қилинмоқда.**

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, эл суйган маданият ва санъат намояндалари, театр ижодкорлари иштирок этмоқда.

Айни кунларда Ўзбек миллий академик драма театрида "Қуёшни сен уйғотасан", "Огоҳ бўлинг, одамлар", Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий драма театрида "Матонат", "Отабек ва Кумушбиби" , Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида эса "Сильва" спектакллари намойиш этилмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойигача давом этадиган маданий тадбирлар доирасида таниқли актёр ва актрисалар юртимиз вилоятлари бўйлаб ижодий сафарда бўлишади. Чекка туманларда, маҳалла ва ҳарбий қисмларда ўтказиладиган маънавий-маърифий учрашувлар, намойиш этилажак спектаклларда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг салоҳияти, юртимиз посбонларининг жасоратлари яна бир бор эътироф этилади.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".**


Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти томонидан 2011 йил 12 октябрда реестр № 004791-01 рақам билан рўйхатдан ўтган "SHOXRUH BIZNES PLUS" МЧЖ (ИНН 205765677) устав фондини 3166610431,72 сўмдан 3146607265,72 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 254-34-04, 252-54-65 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 29.07.2011 йилда реестр рақами 10-315/2011 билан рўйхатга олинган "ZAR QAND SHIRINLIKLARI" МЧЖга тегишли объектнинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"NABI-SHAHBOZ" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Утерянную круглую печать ДАТЕР, принадлежащую ООО "EMS-FALCON" (ИНН 300957708), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Олмалиқ шаҳри ҳокимияти томонидан 2010 йил 16 сентябрда 2324 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "CHINOR TRANS" хусусий корхонаси (ИНН 207096076) мулкчилик шаклини "CHINOR TRANS" МЧЖга ўзгартиради.

Эътирозлар бир ой давомида қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 2010 февралда 003566 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган "TAQVO BIZNES" МЧЖнинг (ИНН 301488848) бир дона думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 23.03.2011 йилда 005893 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган "PLATINUM SUV RISE" (ИНН 207114044) МЧЖнинг бир дона думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Пирмаматов Шохжаҳон Орзиқул ўғли номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "REGION LOAN", зарегистрированное Управлением юстиции Ташкентской области МЮРУз № 3 от 20.11.2008г. (ИНН 206981986, ОКОНХ 90310), расположенное по адресу: Таш. область, Зангиатинский район, Кизгалдок КФЙ, ул. К. Гофурова, д. 60, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 7 от 30.12.2011г.)

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 797-40-47.


## РАССОМ ХАНДАСИ





ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Равшан ОМОНОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 15073. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345